

## СУВ ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН Фойдаланишда давлатнинг молиявий кўмаги ва эришилган натижалар таҳлили

**Шохўжаева Зебо Сафоевна**

*Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази докторанти, и.ф.н., доц.*  
[z.shoxujaev@mail.ru](mailto:z.shoxujaev@mail.ru)

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol10\\_iss6/a15](https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss6/a15)

### Аннотация

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилишга бюджетдан субсидиялар ажратиш механизми йўлга қўйилди. Бироқ, Қашқадарё вилояти туманларида олиб борилган текширишлар ва тадқиқотларга кўра, фермер хўжаликлари томонидан берилган субсидиялар бериш тўғрисидаги талабномалари юқори ташкилотларнинг бефарқлиги туфайли ўз вақтида ажратилмади. Ушбу мақолада вилоятнинг туманларидаги ҳолат бўйича муаммолар ўрганилган ва сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш борасида молиявий қўллаб қувватлашга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** сув танқислиги, сув тежамкор технологиялар, томчилатиб суғориш, ёмғирлатиб суғориш, дискретли суғориш, лазерли ускуна ёрдамида текислаш, оддий суғориш усули, субсидиялар ажратиш, сувни тежайдиган технологияларни лизингга бериш, солиқ ва кредит имтиёзларини тақдим этиш.

### Аннотация

В нашей стране налажен механизм выделения субсидий из бюджета на внедрение технологий капельного орошения при поливе сельскохозяйственных культур. Однако, согласно проверкам и исследованиям, проведенным в районах Кашкадарьинской области, заявки на субсидии, поданные фермерскими хозяйствами, не были выделены в срок из-за равнодушия вышестоящих организаций. В данной статье изучены проблемы ситуации в районах области и разработаны предложения, направленные на финансовую поддержку применения водосберегающих технологий.

**Ключевые слова:** дефицит воды, водосберегающие технологии, капельное орошение, дождевание, дискретное орошение, лазерное нивелирование, простой способ орошения, выделение субсидий, лизинг водосберегающих технологий, налоговые и кредитные льготы.

### Abstract

In our country, a mechanism has been established for allocating subsidies from the budget for the introduction of drip irrigation technologies for irrigating crops. However, according to inspections and studies conducted in the districts of Kashkadarya region, applications for subsidies submitted by farms were not allocated on time due to the indifference of higher organizations. In this article, the problems of the situation in the districts of the region are studied and proposals are developed aimed at financial support for the use of water-saving technologies.

**Keywords:** water scarcity, water-saving technologies, drip irrigation, sprinkling, discrete irrigation, laser leveling, simple irrigation method, allocation of subsidies, leasing of water-saving technologies, tax and credit benefits.

## **Кириш**

Бугун дунё миқёсида сув танқислиги муаммоси йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Айни шундай бир шароитда, айниқса, қишлоқ хўжалигида, суғоришда сувдан оқилона ва самарали фойдаланиш ўта долзарб аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ҳар бир соҳада сувдан оқилона фойдаланиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалигида сув тежамкор технологияларни жорий қилиш, томчилатиб суғориш амалиётини кенгайтириш масалаларига алоҳида устувор вазифа сифатида аҳамият қаратилмоқда.

Сўнги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ерларининг самарадорлигини, жумладан сувни тежайдиган технологияларни қўллаган ҳолда оширишга ва давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари замон талабларига мослаб борилаётганлиги сабабли сувни тежайдиган технологиялар 2021 йилнинг ўзида 433 минг гектар майдонда жорий этилди ва уларнинг умумий кўрсаткичи суғориладиган майдонларнинг 17 фоизини ташкил қилди.

Бироқ, сувни тежайдиган суғориш тизимларини ишлаб чиқариш, етказиб бериш, харид қилиш, жойларда лойиҳалаштириш ва ўрнатишдаги камчиликлар ҳамда айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг бу борадаги кўникмалари етарли эмаслиги мазкур технологияларнинг ўз вақтидан кечикиб жорий қилинишига сабаб бўлмоқда.

Сувни тежайдиган технологияларни жорий қилишдаги мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, минтақада кузатилаётган сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув ресурсларидан янада самарали фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 01 мартда “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-144-сон қарори айнан ўз вақтида қабул қилинган қарорлардан бўлиб ҳисобланади.

Ушбу қарорга мувофиқ, мамлакатимизнинг 230 минг гектар, шу жумладан 160 минг гектар пахта хом ашёси етиштириладиган майдонларда томчилатиб суғориш; 28 минг гектар, шу жумладан 25 минг гектар бошоқли дон етиштириладиган майдонларда ёмғирлатиб суғориш; 2 минг гектар қишлоқ хўжалиги экин майдонларида дискретли суғориш тизимлари жорий қилинишини ва 218 минг гектар экин майдонларининг лазерли ускуна ёрдамида текисланиши белгиланди [1].

Бинобарин, томчилатиб суғориш технологияси жорий этилганда ҳар гектар майдон учун пахтага 8 млн сўм, сабзавот экинлари ва картошкага 1,5 млн сўм, полиз экинларига 1,3 млн сўм, мевали дарахтларга 6 млн сўм, узумга 8 млн сўмдан субсидия ажратилиши белгиланди. Агар сифатли тизим жорий қилинганида 11 млн сўмгача субсидия берилади. Кенг қамровли суғориш тизими, “Спринклер” ва дискретли суғориш тизимлари учун ҳам субсидиялар белгиланди. Пахта, донли экинлар, сабзавот ва картошка, полиз, озуқабоп, мойли ва доривор экинлар майдонини лазерли текислаш учун 1 млн сўмдан субсидия берилиши белгиланди [1].

Шу сабабли ҳам, юқорида кўтарилган муаммоларнинг ечими бўйича тадқиқотлар олиб бориш, таҳлиллар ўтказиш ҳамда таклифлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширишда сув тежамкор технологияларни қўллаш орқали эришилади. Бироқ сув тежовчи технологияларнинг қимматлиги фермер хўжаликлари учун сотиб олишга молиявий маблағи етишмайди. Сув тежовчи технологияларни қўллаш сув танқислиги шароитида сув сарфини 2-2,5 баробарга камайтиради, бу борада илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган иқтисодчи олимларнинг жуда кўплаб илмий мақолаларида ўз аксини топган.

А.К.Ахмедовнинг тадқиқотларида қишлоқ хўжалигида сув тежаш технологияларини қўллашда юқори самарага эришиш учун субсидиялар ажратиш таклиф этилган, яъни “Бунда сувни тежовчи технологияларни жорий этган фермер (деҳқон) хўжаликларига молиявий ёрдам кўрсатиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини кескин ошириш ва миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришга кўмаклашиш ҳисобланади”, деган фикрни айтган [2].

Т.Х. Фарманов ва бошқ. томонидан олиб борилган монографик тадқиқотларга кўра, сув тежовчи технологияларни қишлоқ хўжалигига қўллашнинг иқтисодий механизмларини амалиётга жорий этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқишади. Берилган таклифларнинг асосий мақсади сув тежовчи технологиялар қишлоқ хўжалигида қўлланилишини ривожлантириш учун узоқ муддатли кредитлар ажратилишини йўлга қўйишдан иборатлигини таъкидлашади [3].

Шунингдек, Қозоғистон Республикасида сувни тежайдиган технологиялар, масалан, томчилатиб суғориш жорий қилиниши кўп йиллик ўсимликларни экишни субсидиялашнинг асосий шarti эканлиги аниқланган [3].

Р.А.Рашидовнинг “Пахтачиликда ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш самарадорлигини ошириш йўллари” номли мақоласида пахтачиликни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш шароитида тармоққа ресурс тежовчи техника ва технологияларни жорий этишни иқтисодий рағбатлантириш давлат томонидан амалга оширилиши лозимлиги таъкидланган. Давлатнинг қўллаб-қувватловчи тадбирлари ресурс тежовчи технологияни жорий этишни иқтисодий рағбатлантиришда – молиявий-иқтисодий қўллаб-қувватловчи ҳамда ташкилий-иқтисодий қўллаб қувватлаш дастакларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгаллиги таъкидланган. Ушбу йўналиш доирасида “Қишлоқ хўжалигида ресурстежамкор технологиялар яратиш жараёнига қўшимча инвестиция йўналтириш” бўйича янгича тизим таклиф қилинган [4].

Ф.М.Юсупованинг илмий тадқиқотларида эса сувни тежовчи технологияларни ишлаб чиқариш ва жорий этишни тизимли асосда рағбатлантириш ҳамда уларни мақсадли молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ҳузурида Қишлоқ хўжалигига сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни ривожлантириш давлат мақсадли бюджетдан ташқари жамғармасини ташкил этишни таклиф этади [5].

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологиялардан фойдаланишни ривожлантириш учун янада самаралироқ молиявий рағбатлар тизимини яратиш, сувни тежайдиган технологияларни лизингга бериш, солиқ ва кредит имтиёзларини тақдим этиш, харажатларнинг 2/3 қисмини субсидиялар ҳисобига қоплаш мақсадга мувофиқдир.

### **Тадқиқот методологияси**

Сув тежамкор технологиялардан фойдаланишда бугунги кунда давлатнинг молиявий кўмаги қандай йўللар орқали амалга оширилаяпти ва эришилган натижалар таҳлилидан сув танқислиги шароитида сув тежамкор технологияларни қўллашнинг

қанчалик аҳамиятли эканлиги асосланган. Таҳлил жараёнида монографик тадқиқотлар ва тизимли таҳлил усулларида фойдаланилган. Статистик маълумотларни таҳлил қилиш орқали Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларида сув тежовчи технологияларни қўллаш борасидаги олиб борилаётган ишлар кўлами ўрганилган. Натижада экин турига қараб, сувтежовчи технологияларни қўллашда давлат томонидан ажратилаётган субсидияларнинг ўз вақтида ажратилмаслиги, хўжаликларнинг сувдан фойдаланишларида ҳали ҳануз исрофгарчиликка йўл қўйилаётганлиги аниқланган. Статистик маълумотлар таҳлили орқали муаммолар ўрганилиб, сув тежовчи технологиялар бўйича хусусий ёки давлат-хусусий шериклик асосида сервис ва диллерлик марказларини ташкил этиш; томчилатиб суғориш технологиясининг томизгичли шлангларни утилизация қилиш мақсадида кичик корхоналар ва цехлар фаолиятини йўлга қўйиш каби таклифлар берилган.

### **Таҳлил ва натижалар**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш борасида давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 199-сонли Қарорига мувофиқ, ҳудудларда жами 431,6 минг гектар ер майдонларига сув тежамкор технологиялар жорий этилди. Шундан 186,3 минг га томчилатиб суғориш, 9,1 минг гектар ёмғирлатиб, 5,9 минг гектар дискрет суғориш тизимлари жорий этилди. 78,8 минг гектар эгилувчан қувур ва 20,9 минг гектар плёнка тўшаб суғориш ва 130,7 минг гектар ерлар лазерли текисланди [6]. Ушбу рақамлар эса 2020 йилга нисбатан 3,2 баробарга кўп. Яъни сувдан самарали фойдаланиш бўйича кўрилаётган чоралар натижасида замонавий усуллар кўлами йилдан-йилга ортиб бораётганлигини ушбу рақамлар орқали ҳам изоҳлашимиз мумкин.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда республикада қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинаётган жами ер майдони 19 104 минг гектарни ташкил этади. Шундан Қорақалпоғистонда 3 219 минг 100 га, Андижонда 316 500 га, Бухорода 3 459 минг 500 га, Жиззахда 1 400 минг 600 га, Қашқадарёда 2 285 минг 500 га, Навоийда 3 181 минг 400 га, Наманганда 461 900 га, Самарқандда 1 474 минг 900 га, Сурхондарёда 1 324 минг 200 га, Сирдарёда 325 700 га, Тошкентда 637900 га, Фарғонада 560 900 га ва Хоразмда 456 500 гектар ер майдонларидан фойдаланиб келинмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилишга бюджетдан субсидиялар ажратиш механизми йўлга қўйилди. Жумладан, 2021 йилнинг ўтган даврида 94 минг гектарга 750,7 миллиард сўм субсидия маблағлари ажратилди.

Бироқ, 2020 йилда «Ўзагроинспекция» ва унинг қўйи тузилмалари томонидан жойларда белгиланган тартибда ўтказилган ўрганишларда жами 6606 та ҳолатда камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди:

Хусусан, Сув хўжалиги тизим ташкилотлари ҳисобида бўлган ирригация тизимларида 880 та сув олиш жойларидаги сувни бошқариш воситалари, 569 та сув олиш жойларидаги сув ўлчаш воситалари носозлиги, 296 та сув олиш жойларида сувнинг ҳисоб-китоби журналлари юритилмаганлиги ҳамда 440 та сув олиш жойларида журналлар хатоликлар билан юритилганлиги аниқланди.

Мисол учун, Қамаш туман ирригация бўлими ҳисобидаги «Ўнг қирғоқ» каналининг «Тармоқ-2», Муборак туман ирригация бўлими ҳисобидаги «УР-9» каналининг «Омад Олам Орзуси», Нишон тумани ирригация бўлими ҳисобидаги «Р-10» каналининг «Нишон истиқболи», Тошрабат-Ўртачўл ирригация тизими бошқармаси ҳисобидаги «Янги ариқ» каналининг «Уоба», «Абумуслим» каналининг «Хушарти»,

Мингбулоқ туман ирригация бўлими ҳисобидаги «Зардарё» каналининг «Хожибой», Зардарё ирригация тизим бошқармаси ҳисобидаги «Наманган тақсимлагич» каналининг «Х-1-2», «Х-5», «Х-5-1», Оқдарё туман ирригация бўлими ҳисобидаги «Янги Чоржуй» каналининг «Бешлик», Ургут тумани ирригация бўлими ҳисобидаги «Наврўз» каналининг «Гулбод», Паяриқ тумани ирригация бўлими ҳисобидаги «Қора ариқ» каналининг «Мирошим-1», «Хасан», Каттақўрғон туман ирригация бўлими ҳисобидаги «Сарой-2», Гулистон туман ирригация бўлими ҳисобидаги «Аҳмад» каналининг «ПК-33-00», «ПК-36+00», Бўка туман ирригация бўлими ҳисобидаги «РБ-2» каналининг «ПК-00», «Гижген» каналининг «ПК-352+00» сув олиш жойлари сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозланмаган [7].

Бундан ташқари, Сув истеъмолчилари уюшмалари, фермер хўжаликлари ва кластерлар томонидан ишлатилаётган суғориш тармоқларидаги 1539 та сув олиш жойлари сувни бошқариш, 1164 та сув олиш жойлари сув ўлчаш воситалари билан жиҳозланмаган. 1126 та сув олиш жойларида сувнинг ҳисоб-китоби юритилмаганлиги, 1142 та ҳолатда сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари ўртасида сув истеъмоли бўйича шартномалар тузилмаганлиги аниқланди.

Ўрганишларда аниқланган камчиликлар бўйича «Ўзагроинспекция»нинг қўйи тузилмалари томонидан ваколоти доирасида ҳуқуқбузарларга нисбатан 954 та (339,4 млн.сўм) маъмурий, 1110 та (1 млрд. 110 млн.сўм) жарима санкциялар қўлланилди. 603 та ҳолат юзасидан тўпланган ҳужжатлар кўриб чиқишлик учун маъмурий судларга киритилиши таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 декабрдаги ПҚ-4919-сон қарори ижроси бўйича Қашқадарё вилоятида 2021 йилда 543 та талабгорнинг 16173 гектар майдонда сув тежовчи технологияларни қуриш ишлари якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 95 сонли қарорида белгиланган тартибга кўра Қашқадарё вилояти туман ишчи гуруҳлари томонидан 499 та талабгорнинг 14453 гектар майдони учун 109 млрд 913 млн.сўмлик маблағ ажратилганлиги бўйича хулосалар қилинди ва вилоят ишчи гуруҳига тақдим этилди. Вилоят ишчи гуруҳи томонидан экин турига қараб ушбу ҳужжатлар тегишли вазирликларга тақдим этилган. Вазирликлар томонидан шу бугунги кунга қадар 448 та талабгорнинг 11669 гектар майдони учун 88 млрд 913 млн.сўм субсидия маблағлари ажратиб берилди [8].

Шу нуқтаи назардан, Қашқадарё вилоятида 2021 йилда пахта хом ашёси етиштиришда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш юзасидан қўйидаги ишлар амалга оширилди:

1) 2021 йилда 23465 га ерга лойиҳа қиймати 469300 млн.сўм бўлган томчилатиб суғориш технологиясини қўллаш белгиланган бўлиб, шундан 14650 га ерга 290625 млн.сўм молиялаштирилди;

2) 13609 га пахта майдонларига томчилатиб суғориш технологиясини қўллаш учун 274881 млн.сўмлик тижорат банклари кредитлари ажратилди;

3) 9144,4 га ерга 71045, 7 млн.сўмлик субсидиялар ажратилди.

Бироқ, қолган 51 та талабгорнинг 2784 гектар майдони учун 20 млрд 403 млн.сўмлик маблағ ажратиш билан боғлиқ ҳужжатлар юқори ташкилот ва вазирликлар томонидан ажратилмасдан турганлиги ажабланарли ҳолат, десак хато бўлмайди.

Қўйидаги 1-жадвалда Қашқадарё вилояти туманларида 2021 йилда фермер хўжаликлари даласига томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинган майдон ва ажратилган кредит миқдори келтирилган бўлиб, Ғузор туманидаги битта фермер хўжалигининг бир гектар ер майдонига 16,763 минг сўм кредит тўғри келаяпти.

Муборак туманида 50 та фермер хўжалиги томчилатиб суғориш технологияси қўллаган бўлиб, бунда 1 гектар ер майдонида 17,306 минг сўм кредит ажратилган. 2022 йилда эса жами вилоят бўйича 1028 та фермер хўжалиги томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш истагини билдириб, 15900 га ер майдони бўйича жами 397500 млн.сўм кредит ажратилиши белгиланган. Ушбу рақамлардан кўринадики 2022 йилда 2021 йилга қараганда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш истаги билдирган фермер хўжаликлари сони 206, 4 фоизга ошган. Демак, Қашқадарё вилоятида сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш зарурлигини фермер хўжалиги раҳбарлари тушуниб етди ва уларга берилаётган молиявий кўмак эса фермер хўжаликларини ривожланишига ва фан-техника тараққиётини ўзлаштиришга амалий кўмак берапти, десак хато бўлмайди.

**1-жадвал**

**Қашқадарё вилояти туманларида 2021 йил томчилаб суғориш технологияси жорий қилган ва 2022 йилда истагида бўлган фермер хўжаликлари тўғрида маълумот**

| №  | Туман номи   | 2021 йилда томчилатиб суғориш қилган |               |                                      | 2022 йилда томчилатиб суғориш истагини билдирган |               |   |
|----|--------------|--------------------------------------|---------------|--------------------------------------|--|---------------|---|
|    |              | фермер хўжалик сони                  | майдони (га)  | ажратилган кредит миқдори (млн. сўм) | фермер хўжалик сони                              | майдони (га)  | ажратиладиган кредит миқдори (млн. сўм) |
| 1  | Ғузор        | 39                                   | 1 331         | 22 312                               | 26   | 600           | 15 000                                  |
| 2  | Қарши        | 26                                   | 1 810         | 15 479                               | 108  | 2 100         | 52 500                                  |
| 3  | Косон        | 74                                   | 2 167         | 35 711                               | 145  | 2 000         | 50 000                                  |
| 4  | Қамаши       | 32                                   | 1 201         | 18 885                               | 95   | 2 000         | 50 000                                  |
| 5  | Миришкор     | 51                                   | 2 316         | 34 912                               | 78   | 1 000         | 25 000                                  |
| 6  | Муборак      | 50                                   | 1 545         | 26 739                               | 106  | 2 200         | 55 000                                  |
| 7  | Нишон        | 60                                   | 1 334         | 25 819                               | 49   | 1 000         | 25 000                                  |
| 8  | Касби        | 45                                   | 1 040         | 14 252                               | 110  | 2 000         | 50 000                                  |
| 9  | Чироқчи      | 33                                   | 882           | 17 125                               | 88   | 1 000         | 25 000                                  |
| 10 | Шаҳрисабз    | 39                                   | 1 272         | 24 084                               | 52   | 500           | 12 500                                  |
| 11 | Яккабоғ      | 49                                   | 750           | 12 777                               | 171  | 1 500         | 37 500                                  |
|    | <b>Жами:</b> | <b>498</b>                           | <b>15 647</b> | <b>248 094</b>                       | <b>1 028</b>                                     | <b>15 900</b> | <b>397 500</b>                          |

Манба: Аму-Қашқадарё ИТХБ маълумотлари асосида тузилган.

Қашқадарё вилояти туманларида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, фермер хўжаликлари томонидан сув тежамкор технологияларидан фойдаланиш самарадорлиги йилдан-йилга ортиб ортиб бормоқда. Нишон тумани Зизифара фермер хўжалигида 2021 йилда томчилатиб суғориш технологияси 20 гектар пахта майдонида жорий қилинган бўлиб, бир гектар пахта майдонидан 40 центнер ҳосил олинган ва хўжаликнинг рентабеллиги 152, 6 фоизни ташкил этган. Жами харажатлар 190627 минг сўм бўлиб, 1 гектар ердан иқтисод қилинган маблағ 196309,6 сўмни ташкил этган. Қуйидаги 2-жадвалда Зизифара фермер хўжалиги томонидан пахта етиштиришда олинган даромад ва харажат кўрсаткичлари таҳлил қилинган бўлиб, хўжаликнинг жами даромади 2021 йилда 481600 минг сўмга тенг бўлганлигини маълумотлар таҳлилидан кўриш мумкин. Фермер хўжалиги томчилатиб суғориш технологиясидан фойдалангани учун давлат томонидан 144000 минг сўм маблағ ажратилган ва бир

гектар ер майдонига 7200000 сўм сарфланган. Субсидия ажратилгандан кейинги қолдиқ 349 587 сўмни ташкил этмоқда.

**2-жадвал**

**Нишон туманидаги Зизифара фермер хўжалигида 2021 йилда томчилатиб суғориш жорий қилинган 20 гектар пахта майдонига сарфланган харажатлар ва олинган даромадлар ҳисоб-китоби**

| т/р | Кўрсаткичлар   | Ўлчов бирлиги | Жами            | 1 тоннага минг сўм | Харажат фоизи |
|-----|--|---------------|-----------------|--------------------|---------------|
| 1   | Экин майдони   | га            | 20,0            |                    |               |
| 2   | Ҳосилдорлик, ц/га  | ц/га          | 40,0            |                    |               |
| 3   | <i>Давлатга сотиш</i>  | <i>тонна</i>  | <i>80,0</i>     |                    |               |
| 4   | <i>Жами харажат</i>  | минг сўм      | 190 627         | 3 177              | 100%          |
| а)  | <i>шу жумладан: Иш ҳақи, ажратма лари билан (қўлда бажариладиган ишлар ва механизаторлар учун)</i> | минг сўм      | 73 680          | 1 228,0            | 39%           |
| б)  | Минерал ўғитлар  | минг сўм      | 33 800          | 563                | 18%           |
|     | <i>минерал ўғитлар миқдори физик ҳолда</i>   | кг            | <i>10 000,0</i> | <i>166,7</i>       |               |
| в)  | Ўсимликларни ҳимоя қилиш, агрохимёвий хизматлар харажати   | минг сўм      | 14 300          | 238                | 8%            |
| г)  | Уруғлик қиймати (11000 сўм/кг)   | минг сўм      | 6 600           | 110,0              | 3%            |
|     | <i>миқдори 100%</i>  | кг            | <i>600,0</i>    | <i>10,0</i>        |               |
| д)  | Механизация хизмати  | минг сўм      | 22 631          | 377,2              | 12%           |
| й)  | ЁММ қиймати (7300 сўм/кг амалдаги нарх)  | минг сўм      | 14 016          | 233,6              | 7%            |
|     | <i>миқдори (100%) (дизель ёнилгиси)</i>  | <i>литр</i>   | <i>1 920,0</i>  | <i>32,0</i>        |               |
| ё)  | СИУ (100%)   |               | 0               | 0,0                | 0%            |
| ж)  | Ягона ер солиғи (100%)   |               | 0               | 0,0                | 0%            |
| и)  | Бошқа харажатлар   | минг сўм      | 25 600          | 426,7              | 13%           |
| 5   | Жами даромад   | минг сўм      | 481 600         | 6 020              |               |
| 6   | Фойда зарар (+;-)  | минг сўм      | 290 973         | 2 843              |               |
| 7   | 1 гектардан иқтисод қилинган маблағлар   | сўм           | 196309,6        |                    |               |
| 8   | Рентабеллик даражаси   | %             | 152,6           |                    |               |
| 9   | 1 тонна махсулот ишлаб чиқариш таннари   | минг сўм      |                 | 3 177              |               |
| 10  | 1 тонна махсулот сотиш нархи   | минг сўм      |                 | 6 020              |               |
| 11  | Томчилатиб суғориш технология ларини ўрнатиш харажатлари   | минг сўм      | 493 587         |                    |               |
| 12  | Ажратилган субсидия маблағлари   | минг сўм      | 144 000         |                    |               |
| 13  | Субсидия ажратилгандан кейинги қолдиқ  | сўм           | 349 587         |                    |               |

Манба: Нишон тумани “Зизифара” фермер хўжалиги маълумотлари асосида ҳисоб-китоб қилинган.

Фермер хўжалиги оддий суғориш усулида пахта майдонини суғорганда 1 гектари учун 5,5 минг м<sup>3</sup> сув сарфланган бўлса, томчилатиб суғоришни жорий қилинганида 2,2 минг м<sup>3</sup> сув сарфланиб, 3,3 минг м<sup>3</sup> ёки 60 фоиз сув иқтисод қилинишига, минерал ўғитлар оддий суғориш усулида

1 гектар учун 845 кг сарфланган бўлса, томчилатиб суғоришда 420 кг сарфланиб, 425 кг минерал ўғит ёки 50 фоиз ўғит иқтисод қилинишига, механизация харажатлари оддий суғоришда 1809 минг сўм сарфланган бўлса, томчилатиб суғоришда 1257 минг.сўм сарфланиб, 552 минг сўм маблағ иқтисод қилинишига, ёқилғи оддий суғоришда 1 гектарга 138 литр ёқилғи мойлаш материаллари сарфланган бўлса, томчилатиб суғоришда

84 литр сарфланиб, 54 литр ёқилғи тежаб қолишга, иш ҳақи ва бошқа харажатлар оддий суғоришда гектарига 622 минг.сўм, томчилатиб суғориш технологиясида 466 минг сўм сарфланган бўлиб, 156 минг сўм маблағ иқтисод қилинишига эришилди.

Ушбу фермер хўжалиги фаолияти давомида оддий суғориш усулида пахта ҳосилини этиштириб гектаридан 20 центнердан ҳосил олинган бўлса, томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш орқали 50 центнер ҳосил олинган, ёки ҳосилдорлик гектарига 30 центнерга ошиб, 1 гектаридан 10 млн 340 минг сўм фойда кўрган.

Демак, оддий суғориш усулидан фойдаланилганда 1 гектар пахта ҳосилини этиштириш учун 6 279 500 сўм маблағлар сарфланади. Томчилатиб суғориш технологиялари жорий қилинган 1 гектар майдон учун 4 593 500 сўм маблағ сарфланиб, 2 604 минг сўм маблағ тежалиб қолишига эришилади ҳамда давлат томонидан берилган субсидия билан қўшиб ҳисобланганида ушбу маблағ 13 644 000 минг сўмни ташкил қилади.

### **Хулоса ва таклифлар**

Мазкур йўналишдаги ишларнинг сифати ва самарадорлигини янада ошириш, суғоришда сув тежамкор технологиялардан фойдаланиш, илғор тажриба ва иш услубларини оммалаштириш, мазкур тизимда иш олиб борувчиларнинг билим ва малакасини юксалтириш долзарб масалалардандир. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар сув танқислигининг қишлоқ хўжалигига салбий таъсирини бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида келтирилган камчиликларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги таклифларни берамиз:

1) Республикамизнинг барча ҳудудларида сув тежовчи технологиялар бўйича хусусий ёки давлат-хусусий шериклик асосида сервис ва диллерлик марказларини ташкил этиш;

2) томчилатиб суғориш технологиясининг томизгичли шлангларни утилизация қилиш мақсадида кичик корхоналар ва цехлар фаолиятини йўлга қўйиш;

3) насос станцияси, фильтрлаш қурилмаси, магистрал қувурлар, тарқатувчи қувурлар, томизгичли суғориш шланглари, тизимнинг автоматлаштирилган бошқаруви, сув ҳисоблагичлар учун тегишли тартибда субсидиялар ажратиш;

4) сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ва фойдаланиш бўйича мутахассисларнинг етишмаслиги сабабли, уларни малакасини мунтазам ошириб бориш, тажриба алмашилиш учун хорижий давлатларга юбориш ёки ушбу тадбирларга хорижий мутахассисларни жалб қилиш;

5) сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқариш ва ўрнатиш борасида қарийиб 5 трлн сўмлик харажат талаб қилинади, шу нуқтаи назардан бутловчи ва эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш соҳасида саноат тармоқлари ўртасида ўзаро кооперацияларни ташкил қилиш;

б) сувни тежайдиган технологияларни жорий қилган фермер хўжаликларига субсидиялар бериш юзасидан тегишли материалларни тўплаш, кўриб чиқиш ҳамда ваколатли орган ва ташкилотлар билан келишишнинг “Агро-субсидия” ягона ахборот тизимини жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-144-сон қарори. 01.03.2022 й.

2. Ахмедов А.К. Қишлоқ хўжалигида сувни тежовчи инновацион технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. 2018 й.

3. Фарманов Т.Х. ва бошқ. “Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш”. Монография. Т.:2020 й.

4. Р.А.Рашидов. Пахтачиликда ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш самарадорлигини ошириш йўллари. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2020 yil. 76-84 бет.

5. Ф.М.Юсупова. Повышение эффективности применения технологии капельного орошения в сельском хозяйстве. Дисс.по соискание учёной степени доктора философии (PhD) по экономическим наукам. Т.: 2019 г. стр.121.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш борасида давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 199-сонли қарори. 10.04.2021 й.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари.

8. Аму-Қашқадарё ИТХБ маълумотлари.

9. Нишон тумани “Зизифара” фермер хўжалиги маълумотлари.

10. ЗС Шохўжаева. Қашқадарё вилоятида сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг долзарб масалалари. Журнал «Irrigatsiya va Melioratsiya». 2018. №3. Стр.82-88.

11. ЗС Шохўжаева, Н Маманазарова. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланиш борасидаги хорижий тажрибаларнинг аҳамиятли жиҳатлари. Инновацион технологиялар, 2020. 3 (39). Стр. 82-88.

12. Shoxujaeva Zebo Safoevna, Mamanazarova Nasiba Juraevna. Analysis of economic efficiency of the use of irrigated land in agriculture and factors on them. Journal of Contemporary Issues in Business and Government | Vol. Том 27. № 2. Стр.4056

13. ZS Shokhujueva, HN Mirjamilova. Innovative processes in the water sector and factors influencing their development. Asian Journal of Research in Business Economics and Management. Том 12. №5. Стр.18-27

14. ЗС Шохўжаева. Эффективное использование водных ресурсов в аграрном секторе Узбекистана. Монография. 2012.